

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

«Тасдиқлайман»
Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани, доцент
_____ А.У.Астанов
«_____» _____ 2011 йил

5340100- «Иқтисодиёт» (к/х) йўналиши бўйича

Битирув малакавий иши

Мавзу «Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва унинг таннархини аниқлашни такомиллаштириш» (Пайариқ тумани фермер хўжаликлари мисолида).

Бажарувчи: «Иқтисодиёт» (к/х) бўлими,
IV босқич талабаси

Хўжанов Феруз

Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент

А.Алиқулов

Иш кафедрада муҳокама
қилиниб, №__ баённома билан
ҳимояга рухсат этилди
Кафедра мудири, и.ф.н.
доцент _____ М.Холмурзаев
«_____» _____ 2011 йил

Самарқанд – 2011 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР	
ШАРҲИ.....	6
2-БОБ.ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЕСУРСЛАР САЛОҲИАТИ	
ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	14
2.1. Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш	14
2.2. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш	21
2.3. Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.....	24
3-БОБ.УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	
ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.	26
3.1.Харажатларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши ва ҳисобнинг вазифалари.....	26
3.2.Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг дастлабки ҳисоби.....	32
3.3.Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш.	37
4-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА	
УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ	
ҲИСОБЛАШ.....	45
4.1.Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг умумий усуллари.....	45
4.2.Узумчилик тармоғида маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш.....	48
5-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ	
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....	53
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	57
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	61

КИРИШ

Республикаимиз ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштириш дастурини изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланмоқда. «...юртимизда 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди»¹.

Жумладан, қишлоқ хўжалигида 2010 йилда "Амалдаги баҳоларда 15 трлн 810,7 млрд сўмлик (2009 йилга нисбатан ўсиш даражаси - 6,8%) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, мамлакат Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,5 фоизни ташкил қилмоқда"².

Республика бўйича 14,3 минг гектар майдонда янги боғ, 5,3 минг гектар янги тоқзор ва 2,2 минг гектар интенсив боғлар барпо этилган. Амалга оширилган ишлар натижасида бу даврда жами 28,3 минг тонна (прогнозга нисбатан 118,0%) ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакат бўйича жами 11 млн. 919,5 минг тонна (107,7%), шу жумладан 6346,4 минг тонна (108,2%) сабзавот, 1182,4 минг тонна (105,3%) полиз, 1710,4 минг тонна (108,6%) мева, 987,4 минг тонна (105,4%) узум маҳсулотлари ва 1692,9 минг тонна (108,1%) картошка ишлаб чиқарилди ёки 2009 йилга нисбатан 1 млн. 162,0 минг тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 11,0 фоиз ўсишга эришилди.

Республикаимизда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришни янада жадал ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси

¹ Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.
² Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти: www.agro.uz

Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга касб этиб, ушбу фармон ва қарорларда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини яна ошириш, шунингдек экспорт базасини яратишга имкон беради.

2010 йил Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари томонидан 23206 гектар ҳосилли майдонда узум етиштирилиб, ҳар гектар ҳосилли майдондан ўртача 101 центнердан жами 234492 тонна узум ялпи ҳосили олинди.

Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисобини зарур талаблар асосида ташкил этиш, маҳсулот етиштиришга сарфланадиган харажатларни тўғри ҳисобга олиш, қўшимча ва эгри (билвосита) харажатларни тўғри тақсимлаш ва маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлашни тўғри йўлга қўйиш бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан биридир. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг ҳисобини юритишнинг услубий ва амалий жиҳатларини ўрганганимизда, уларни бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари асосида юритишни услубий жиҳатлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги ушбу битирув малакавий иш мавзусини танлашни ва уни фермер хўжаликлари бўйича ёритишда илмий-тадқиқотнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади – узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Туман фермер хўжаликларида ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва улардан янада самарали фойдаланиш бўйича таклифлар бериш;

- Узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича услубий ёндашувларни излаш, бунда қўшимча тамойил ва вазифаларни ишлаб чиқиш;

- Узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятларини асослаш;

- Узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

- Узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усулини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти қилиб Самарқанд вилояти Пайариқ тумани фермер хўжаликлари танлаб олинди.

Илмий тадқиқотнинг предмети бўлиб фермер хўжаликларининг ички иқтисодий муносабатлари, хусусан узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш жараёни ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид хорижий ҳамда республикамиз иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, фермер хўжалиги фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотлар ҳамда илмий тадқиқот институтларининг тавсияларидан фойдаланилди. Битирув малакавий ишда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш ҳамда бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

1-БОБ. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Узум етиштириш мамлакат аҳолиси истеъмолидаги ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг унга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, даврий адабиётларда олимлар ва мутахассислар ичида кенг мунозара мавжуд. Шунингдек, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби ва уни такомиллаштиришнинг айрим назарий ва услубий масалалари республикамиз иқтисодчилари Э.А.Акрамов, А.А.Абдуллаев, О.У.Бобожонов, Э.Ф.Гадоев, Н.Ю.Жўраев, А.М.Жуманов, А.К.Иброҳимов, А.А.Каримов, Н.С.Санаев, А.С.Сотиволдиев, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, К.Б.Ўразов, С.Ш.Юлдашев, Д.К.Қудбиев, Р.Дўсмуратов ва бошқаларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Шу билан бирга узум етиштиришни ривожлантириш, узумчилик харажатлари ҳисоби ва харажатларни камайтириш бўйича тавсиялар, маҳсулот таннархини ҳисоблаш бўйича меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг битирув малакавий ишини бажаришда фойдаланилганларини кўриб чиқамиз.

1.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30.08.1996.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари (2–модда), бухгалтерия ҳисоби субъектлари (3-модда), бухгалтерия ҳисоби объектлари (4-модда), бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш (5-модда), бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш (7-модда), бошлангич ҳисоб ҳужжатлари (9-модда), бухгалтерия ҳисоби регистрлари (10-модда), даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш (13-модда), хусусий капитални ҳисобга олиш (14-модда), молиявий ҳисобот (16-модда), молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби (19-модда) кабилар алоҳида моддаларда белгилаб берилган. Қонуннинг 13 – моддаси «Даромадлар ва харажатларни ҳисоб олиш» деб аталиб, бунда даромадлар ва

харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даври тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади, деб ёритилган.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999. 54-сон.

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Ушбу низомни қабул қилиниши корхоналар даромадлари ва харажатларини аниқ белгиланган гуруҳларга ажратиб ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижани шакллантириш тартибини белгилаб берди. Жумладан, харажатларни қайсилари маҳсулот таннархига киритилади, қайсилари давр харажатларига олиб борилади. Бу маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари ушбу низомда молиявий натижаларни беш кўрсаткичи белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бирини таърифи ва аниқлашни ҳисоб – китоби берилиб, бу халқаро андозаларга мос келади.

3.Каримов И.А. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

қилади». Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 22.01.2011. 16 (5183) сон.

Мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги ҳамда 2010 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси 14,7 фоизга, пуллик хизматлар 13,4 фоизга кўпайгани, Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан ижро этилганлиги қайд этиб ўтилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалла харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бераётгани, мамлакатимизни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг етти устувор вазифаси белгиланиб, 2011 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш - 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида - 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши, инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилаётгани қайд этилган.

Умуман олганда, мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида 2010 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг якунлари, йил якунларини олдинги йиллар билан таққослаб, таҳлил қилиб, 2011 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб берган.

4.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Ушбу асарда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузалари ёритилган. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилган.

5.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон. 2009.

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Ушбу асарда белгиланган вазифалардан бири ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини 20% гача камайтириш режаси ишлаб чиқилиши ва уни бажарилишини таъминланиши лозимлиги белгилаб берилган. Фермер хўжаликларида ҳам маҳсулот таннархини пасайтириш дастури тузишдан олдин, албатта маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши лозим.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

6. Каримов А., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Шарқ, 2004.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса

ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодий эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ушбу дарслик бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида қўйилган бир қадамдир.

Дарслик 4-бўлим, 22-боб ҳамда 3 та иловадан иборат бўлиб, унинг 6-боби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига бағишланган. Ушбу бобда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари, харажатларнинг туркумланиши, ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблаш усуллари кенг баён қилинган. Дарсликнинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, унинг илова қисмида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун, «Янги счётлар режаси» ҳамда «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи тўлиқ ёритилгандир.

7.Аликулов А.И., У.Т.Эшмурадов, Қурбонов И., Ибрагимов У. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби. – Самарқанд. 2009.

Ушбу ўқув қўлланмада фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг хусусиятлари, шунингдек фермер хўжаликларида ҳисоб ва ҳисботни юритишнинг тамойиллари, шакллари, аналитик, синтетик ҳисоби кўрсатиб ўтилган. Қўлланма ўзида 16 мавзу ва уларги тегишли иловаларни қамраб олиб, 11 мавзу фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аниқлаш хусусиятларига бағишланган.

Умуман олганда, ушбу ўқув қўлланмада фермер хўжаликларида ҳисоб юритиш тартиби, ўсимликчилик ва чорвачиликда маҳсулот таннархини аниқлаш, ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш ҳамда улар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тегишли хулоса ва таклифлар бериш тўла ёритилган бўлиб, булардан битирув иши ёзишда кенг фойдаланилди.

8. Аралов Х. Деҳқон хўжалиklarининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 2-сон. 27-28 б.

Муаллиф аҳоли ва унинг ижтимоий гуруҳларининг ялпи харажатлари – бу турли хўжалик субектларидан товар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари суммаси, молия кредит тизимларига тўловлар, шахсий ёрдамчи хўжалик маҳсулотларидан истеъмол ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилганликлари ва кўрилган зарарлар, қарзларни ёпиш, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун тўланган тўловларда ифодалангани деб таъриф беради. Ялпи харажатлар, унинг таркиби ва динамикаси – бу иқтисодий ривожланиш даражасини, аҳоли турмуш даражасини ифода етувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ялпи харажатларнинг ўрни белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳиссаси ҳисобланади, деб фикр юритади. Шунингдек, муаллиф таннархни пасайтириш бўйича белгиланган параметрларга еришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайди.

9. Шафқаров Б. Узумчилик – сердаромад соҳа.//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2006, 12-сон. 14 б.

Муаллиф Б.Шафқаровни таъкидлашича, мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган талабини тўла ва самарали қондиришга қаратилган. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳил этишда узумчилик алоҳида ўрин тутди.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, республикамызда токзорлар майдонини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, узумни қайта ишлаш қувватини кўтариш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотларини етиштиришга катта эътибор берилмоқда, мамлакатимизда ниҳоятда сердаромад бўлган узумчилик имкониятларидан келиб чиқиб, ушбу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни таъминлаш лозим – дейди муаллиф.

10.Шафқаров Б. Узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорти. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009, 7-сон. 31 б.

Муаллиф узум таркибида инсон организми учун алмаштириб бўлмайдиган витаминлар, органик кислоталар, оксиллар, ферментлар, минерал тузлар ва бошқа хушбўй моддалар мавжудлиги, шу нуқтаи назардан, республикамизда узум ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш масалаларига ушбу мақолада алоҳида эътибор қаратган.

Муаллиф Б.Шафқаров республика вилоятлари бўйича ихтисослашган фермер хўжаликларини бириктирилган токзорларни таҳлил қилиб, ҳозирги кунда республикада 12658 та узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларга бириктирилган токзорларнинг умумий майдони 84,2 минг гектарни ташкил этиб, шундан 63,7 минг гектари ҳосилли токзорлар, шундан 20,5 минг гектари виночилик тармоқларининг эҳтиёжларини қондирувчи саноатбоп токзор эканлигига тўхталади.

Муаллиф узум маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантириш объектив жараён бўлиб, биринчидан, узумнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олишни, иккинчидан эса фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик ташкилий-иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки узумни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимида ягона узвийликни таъминлаш, тармоқни барқарор ривожлантириш имконини беради – дейди.

2-БОБ.ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЕСУРСЛАР САЛОҲИЯТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ.

2.1. Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани 1926 йилда ташкил топган бўлиб, вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманларидан биридир. Туман маркази Пайариқ шаҳри бўлиб, вилоят марказидан 45 км узоқликда жойлашган бўлиб, автомобил йўллари билан боғланган. Туман ҳудуди 0,8 минг квадрат километр. Туман Жиззах вилояти, Оқдарё, Иштихон, Пайариқ, Қўшработ туманлари билан чегарадош. 2010 йил 1-январ ҳолатига аҳолиси 201,5 минг киши.

Пайариқ туманида ғалла ва пахта етиштириш билан бир қаторда узум етиштириш ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ичида юқори салмоққа эга. 2010 йилда Пайариқ туманида 2325 ҳосилли гектарда узум етиштирилиб, ҳар гектардан ўртача 67,5 центнердан, жами 15690 тонна узум олинди. Бу вилоят бўйича етиштирилган узумнинг 6,7 фоизини ташкил этади. Туманда узумчиликка жами 4281 млн. сўм маблағ харажат қилиниб, жами 5492 млн. сўм даромад олишга эришилган. 2010 йилда узумчиликдан 1210 млн. сўм фойда олиниб, рентабеллик 28,3 фоизни ташкил этган.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларида мавжуд ер, сув, меҳнат ва моддий ресурсларидан фойдаланиш даражасини янада ошириш, уларнинг самдорлигини илғор малакатлар даражасига етказиш, ҳозирги кунда фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг объекти Пайариқ тумани фермер хўжаликлари, шу жумладан тумандаги «Умиробод» фермер хўжалиги бўйича ер, сув, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолати ҳам ўрганилди.

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ер ва сувдан самарали фойдаланиш даражаси ошган сайин маҳсулот ҳажми кўпайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, оқибатда

иқтисодиёт мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда ўрганиш зарур.

Ер умум миллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади³.

"Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

– энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

– ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

– ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

– ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

– ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;

– ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш"⁴.

Шу принципларга амал қилган ҳолда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ерни асраши, авайлаши ва ундан самарали фойдаланиши зарур. Сувдан ҳам худди ерга ўхшаш авайлаб-асраб самарали фойдаланиш зарур.

³ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 1-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 2-модда.

Қишлоқ хўжалик ерларидан ва сувдан самарали фойдаланиш хўжалик иқтисодиётини, оқибатда миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ҳамда сувдан оқилона самарали фойдаланиш - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ниҳоятда катта рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги Ф-3512-сон фармойишига мувофиқ фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида бугунги кунга келиб, мамлакатимизда жами 66 минг 134 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлиб, уларга 5 млн 295,1 минг гектар ер майдони ижарага берилган ва бир фермер хўжалигига ўрта ҳисобда 80,1 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

Туман фермер хўжаликлари ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини ўрганганимизда қуйидагича бўлган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Пайариқ туманида 2010 йил 1 октябр ҳолатига жами 667 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 октябрдаги ПФ-3512-сонли «Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш» тўғрисидаги Фармонига мувофиқ мақбуллаштириш натижасида 620 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига 2011 йил 1 январ ҳолатига 2037 га ер майдони ажратилган бўлиб, ўртача ҳар бир фермер хўжаликка 10,3 гектарни ташкил этган. Бу 2010 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 0,4 гектарга кўпдир.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги «Умиробод» фермер хўжалиги туманнинг ғаллачилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан биридир. Фермер хўжалик туманнинг шимолий-ғарбий томонида, Қумчуқ қишлоғи ҳудудида жойлашган. «Умиробод» фермер хўжалиги туман марказидан 10 км узоқликда жойлашган.

Тадқиқотимиз объектларидан бири бўлган «Умиробод» фермер хўжалиги бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ҳам ўрганилди.

Пайарик туман фермер хўжаликларининг ер майдони ҳолати тўғрисида маълумот⁵

Т/р.	Йўналиши	2010 йил 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликлар сони			Мақбуллаштириш натijasида			Фарқи, (+,-)		
		Жами фермер хўжаликлар сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжаликлар майдони, га	Жами фермер хўжаликлар сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжаликлар майдони, га	Жами фермер хўжаликлар сони	Жами майдони, га	Ўртача бир фермер хўжаликлар майдони, га
1.	Пахтачилик-ғаллачилик	382	50189	131,4	346	50248	145,2	-36	59	13,8
2.	Боғдорчилик-узумчилик	206	2037	9,9	197	2037	10,3	-9	0	0,4
3.	Чорвачилик	56	3588	64	48	3508	73,1	-8	-80	9,1
4.	Бошқалар	23	506	22	29	527	18,2	6	21	-3,8
	Жами:	667	56320	84,3	620	56320	90,8	-47	0	6,5

⁵ Манба: Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2010 йил статистик маълумотлари.

Фермер хўжалигининг ер майдони динамикасининг кейинги йиллардаги ҳолатини кўрганимизда у қуйидагича бўлган (2–жадвал).

2–жадвал

Пайариқ туманидаги «Умиробод» фермер хўжалигининг экин майдони динамикаси таҳлили⁶

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
				Мутлоқ, +/-	Нисбий, %
Жами ер майдони, га	54	54	69	15	127,8
Экин майдони, га	38	38	45	7	118,4
Шундан: ҳайдаладиган ерлар	38	38	45	7	118,4
Кўп йиллик кўчатзорлар	15	15	22	7	146,7
Суғориладиган ерлар	38	38	46	8	121,1
Бошқа ерлар	1	1	1	0	100,0

2-жадвалдан кўришиб турибдики, фермер хўжалик ер майдонининг асосий қисмини 45 гектарини ёки 65,2 фоизни ҳайдаладиган экин майдони ташкил этади. Хўжаликнинг экин майдони 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 15 гектарга ошган. Бу кўпайиш Президентимизнинг «Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш» тўғрисидаги Фармонида мувофиқ тугатилган фермер хўжаликлари майдонини кўшиб олиш ҳисобига бўлган. Фермер хўжалик экин майдонларини суғориш учун сувни асосан Булунғур дарёсидан олади.

Фермер хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, ўсимликчилик ҳисобланади. Яъни хўжалик ўсимликчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Чорвачилик маҳсулотларидан фақат пилла етиштиради. Кейинги йилларда хўжаликда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари динамикасини кўрганимизда у қуйидагича бўлган (3-жадвал):

⁶**Манба:** Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар (1 с/х-фермер) статистик ҳисобот маълумотлари.

**Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик
маҳсулотлари етиштириш динамикаси таҳлили⁷**

Маҳсулот турлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
				Мутлоқ, +;-	Нисбий, %
Буғдой, ц	467	451	558	91	119,5
Узум, ц	1074	910	1420	346	132,2
Помидор, ц	1520	1410	1490	-30	98,0
Пилла, кг	81	88	97	16	119,8

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда 2008 йилга нисбатан фермер хўжаликда ғалла етиштириш 91 центнер ёки 19,5 фоизга, узум етиштириш 346 центнер ёки 32,2 фоизга, пилла етиштириш 16 кг ёки 19,8 фоизга ошган. Помидор етиштириш эса 30 центнер ёки 2 фоизга камайган. Бу камайиш фермер хўжалигида асосан помидор экиладиган майдоннинг камайиши ҳисобига бўлган, чунки 2008 йилда 7 гектар экин майдонида, 2010 йилда эса 6 гектарда помидор етиштирилган.

«Умиробод» фермер хўжалигида 2010 йилда 20 ҳосилли гектарда узум етиштирилиб, ҳар гектардан 71 центнердан, жами 1420 центнер ҳосил олинди.

Фермер хўжаликда ҳосилдорликни ошириш имкониятлари бўлиб, ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, юқори ҳосилли узум навини ўтқазиш, бунинг учун илмий-тадқиқот ишлари янгиликлари ва илғор фермер хўжаликлар натижаларига асосланиб, ҳосилдорликнинг кўпайишига сабабчи бўлувчи асосий омилларни аниқлаш ва таъсир қилиш даражасини ўрганиш зарур.

Хулоса қилганимизда, фермер хўжалиги ғаллачилик ва узумчиликка ихтисослашган бўлиб, олинадиган ҳосил ушбу тармоқларда кейинги

⁷**Манба:** Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар (1 с/х-фермер) статистик ҳисобот маълумотлари.

йилларда кўпайиб бормоқда. Лекин, мавжуд ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ғалла ва узум етиштириш билан бир қаторда сабзаёт турларини кўпайтириш, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинларни экиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, шунингдек чорвачилик тармоғини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.2.Мехнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда, хўжаликнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва айниқса улардан самарали фойдаланиш катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурслари ва улар билан боғлиқ бўлган жараёнлар натижаларини статистик ўрганиш ва хулосалар чиқариш энг асосий вазифалардан биридир.

Меҳнат ресурслари деганда, қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган инсонлар тушунилади. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари иқтисодий ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардандир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракатини, хўжаликнинг улар билан таъминланиш даражасини ҳамда улардан хўжаликнинг фойдаланиш аҳволини ўрганиш ва мавжуд имкониятларни аниқлашда ва илмий асосланган хулосалар чиқаришда катта рол ўйнайди. Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси меъёр атрофида бўлса, албатта ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилади, айниқса меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарали бўлса, ишлаб чиқариш кўламининг ўсишига, меҳнат унумдорлигининг ошиши сабабчи бўлади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ўртача 1 ишловчининг бир йилда ишлаган кунлари сони, ўртача 1 ишловчининг бир йилда ишлаган соатлари сони, иш кунининг ўртача давомийлиги ва иш вақти фонди кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг энг асосий кўрсаткичи бўлиб меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги ошган сайин ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ошиб боради. Меҳнат унумдорлиги деганда аниқ вақт бирлиги ичида (1 киши-соат, 1 киши-куни) етиштирилган маҳсулот миқдори ёки бажарилган иш ҳажми тушунилади.

«Умиробод» фермер хўжалигида 2010 йилда 126,6 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ишловчилар сони 22 кишини ташкил этиб, ўртача бир ишловчи ҳисобига 5754,5 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган.

«Умиробод» фермер хўжалигида 2010 йилда жами ишловчилар сони 22 киши бўлиб, шундан 20 киши бевосита ишлаб чиқаришда доимий равишда иштирок этган бўлса, 1 киши бошқарувчи, 1 киши хизматчи (фермер хўжалиги ҳисобчиси) бўлган. Ходимларга 2010 йилда тўланган меҳнат ҳақини ўрганганимизда, у қуйидагича бўлган (4–жадвал).

4–жадвал

«Умиробод» фермер хўжалигида ходимлар сони ва меҳнат ҳақи тўғрисида маълумот⁸

№	Кўрсаткичлар	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	Меҳнат ҳақи фонди, минг сўм	Бир ходимга тўғри келадиган меҳнат ҳақи	
				Йиллик, минг сўм	Ойлик, сўм
1.	Раҳбар	1	1424,8	1424,8	118733
2.	Хизматчи	1	1167,7	1167,7	97308
3.	Доимий ишловчилар	20	18632	931,6	77633
4.	Мавсумий ишловчилар	-	2006,5	2006,5	33042,5
	Жами:	22	23231,0	1055,9	47997,9

4–жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида ишловчиларга 2010 йилда 23231 минг сўм меҳнат ҳақи сарфланган. Фермер хўжалигида мавсумий ишларга фақат узум йиғим-терими вақтида қишлоқ аҳолиси жалб қилиниб, улар томонидан фермер хўжалигининг 80,4 тонна узум ҳосили териб берилиб, уларга узум йиғимида иштирок этгани учун 2006,5 минг сўм меҳнат ҳақи тўланган. Фермер хўжалигида ўртача меҳнат

⁸Манба: Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалиги 2010 йил ҳисоботи маълумотлари.

хақи 47,9 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич мамлакат миқёсидаги ўртача меҳнат хақидан анча пастдир.

Хулоса қилганимизда, фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эмас, балки уларни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш шу билан бирга меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун ходимларни моддий рағбатлантиришни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

2.3.Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг муҳим омилларидан бўлиб, моддий ресурслар билан таъминланиши ҳисобланади. Ҳар қандай қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятини барқарор бўлиши ва унинг самарадорлигини ошириш учун моддий ресурслар билан етарли даражада таъминланган ва улардан самарали фойдаланган бўлиши керак.

Моддий ресурслар деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган уруғ, ўғит, ёқилғи, ем-хашак ва бошқа турдаги хом ашё ва материаллар қийматларининг йиғиндиси тушунилади. Барча турдаги яроқли ва сифатли моддий ресурслар билан хўжалик етарли даражада (меъёр чегарасида) таъминланса ва улардан самарали фойдаланса, албатта маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир қилади, натижада моддий неъматлар етиштириш кўпаяди, сифати яхшиланади, соф фойдаси кўпайиб, иқтисоди мустаҳкамланади, оқибатда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳамда халқнинг турмуш даражасининг ўсишига сабабчи бўлади. Шу нуқтаи назардан фермер хўжаликнинг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш ва улар асосида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

«Умиробод» фермер хўжалигида мавжуд асосий воситаларни 2011 йил 1 январ ҳолатига кўриб чиққанимизда, 19840,0 минг сўмлик транспорт воситаси ҳамда 8542,0 минг сўмлик машина ва жиҳозлар мавжуд. Фермер хўжаликда агротехник тадбирларнинг асосий қисми ММТПлари томонидан амалга оширилади. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида қўл кучини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, агротехник тадбирларни вақтида ўтказиш учун бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этадиган транспорт воситаларининг салмоғини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Моддий ресурслардан фойдаланишга келадиган бўлсак, фермер хўжалиги асосан ўсимликчилик маҳсулотлари етиштиради, бу маҳсулотлар таннархининг 40-55 фоизини ишлаб чиқариш захиралари ташкил этади. Фермер хўжалигида меъёрга асосан ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланиши йўлга қўйилган, лекин уларни агротехник тадбирларни ўтказиш вақтида олиш муаммолари мавжуд. Шунинг учун моддий ресурсларни асосини ташкил этувчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга бўлган минерал ўғит ва ёқилғи таъминотини янада яхшилаш, улардан самарали фойдаланишга олиб келиб, умуман фермер хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

3-БОБ.УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

3.1.Харажатларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши ва ҳисобнинг вазифалари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар, яъни меҳнат, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлар учун сарфланган харажатлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари дейилади.

Ишлаб чиқариш жараёни меҳнат (иш кучи), меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларининг бевосита бирикув жараёнидир. Жонли меҳнат сарфи ишчиларнинг ишлаб чиқариш ва сарфланган меҳнати дир. Унинг пулдаги ифодаси ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақида намоён бўлади. Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда қатнашиш жараёнида эскиради. Бу эскириш уларга ҳисобланган амортизация шаклида ишлаб чиқариш харажатларига кўшилади. Меҳнат предметлари эса ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилиниб, ўз кўринишни ўзгартиради ва қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига тўла равишда ўтказилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари асосан ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлиб, у таъминот ва сотиш жараёнларини ўзаро боғлаб туради. Таъминот жараёнининг вужудга келиш ишлаб чиқаришда харажатларни келтириб чиқаради. Бу ва ишлаб чиқаришда содир бўлган харажатлар асосида корхонанинг молиявий натижалари аниқланади. Хўжалик ишлаб чиқариш харажатларининг кам бўлиши фойданинг кўпайишини таъминлайди. Шу сабабли ишлаб чиқариш харажатлари биринчи навбатда, корхона фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш учун зарурдир. Буни умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

Маҳсулот сотишдан тушган тушум - харажатлар = фойда

Харажатлар тўғрисидаги ахборот айниқса, корхонанинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эгадир. Корхона ва уни бошқариш

нуқтаи-назаридан эса харажатларнинг умумий суммаси, алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмларининг унумли ҳамда унумсиз харажатлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар йиғишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари хўжаликнинг товар маҳсулот берадиган бош тармоғи - ўсимликчилик ва чорвачиликда юзага келади. Қишлоқ хўжалигида харажатлар ва маҳсулот чиқими ҳисобини ташкил этишда ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, харажатларни амалга ошириш ва маҳсулотни даромадга олиш даврларининг бир-бирига мос келмаслиги, табиий омиллар (иқлим, об-ҳаво, ер, яйлов ва бошқалар) нинг мавжудлиги каби хусусиятларни эътиборга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда, хўжалик операцияларига тўғри бухгалтерия проводкаси бериш ва ҳисоб регистрларини ўз вақтида юритиш учун харажатларни моҳияти ва турларини билиш муҳим аҳамият касб этиб, бу фермер хўжалигида бошқарув ҳисобининг самарали ишлашини таъминлайди, шунингдек ҳисоб маълумотлари асосида хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш имкониятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши, солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади. Ушбу Низом харажатларнинг моҳияти, уларнинг туркумланиши ҳамда корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, уни тақсимлашни белгилаб

берди. Ушбу Низомга кўра харажатлар тўрт гуруҳга бўлиниб ҳисобга олиниши белгиланган:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар.
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар.
4. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар қуйидаги элементлар бўйича гуруҳланади.

а) Ишлаб чиқариш моддий харажатлари.

б) Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

в) Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари.

г) Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш харажатлари.

д) Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар, яъни давр харажатлари қуйидагилар:

а) Маҳсулот сотиш харажатлари;

б) Маъмурий-бошқарув харажатлари;

в) Бошқа операцион харажатлар;

г) Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

а) Фоизларни тўлаш бўйича харажатлар;

б) Хорижий валюта билан операциялар бўйича курслардаги салбий фарқлар;

в) Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги зарарлар;

г) Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

д) Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Фавқулудда зарарлар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ходисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавқулудда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиш керак бўлган ўтган давр моддалари кирмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида фаолият, ишлаб чиқаришдан олинadиган маҳсулот ва бажарилadиган ишнинг қандай мақсадга мўлжалланишига қараб қуйидаги турларга бўлинади: асосий ўсимликчилик ва чорвачилик, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади:

бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

бошқа бевосита ва билвосита харажатлар;

шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Харажатларни иқтисодий моҳиятига кўра гуруҳланиши харажат элементлари дейилади. Маҳсулот таннархига киритилadиган харажатлар қуйидаги харажат элементларига бўлинади:

1.Моддий харажатлар.

2.Меҳнат ҳақи харажатлари.

3.Ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар.

4.Асосий ва номоддий активлар эскириши(амортизацияси).

5.Бошқа харажатлар.

Харажатларни турларига кўра гуруҳланиши харажат моддалари дейилади. Харажатларни харажат моддалари бўйича ҳисобга олиниши бошқарув ҳисобига кириб, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда харажат моддалари сонини ўзлари мустақил белгилайдилар.

Маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади.

Юқоридаги харажатлар иқтисодий мазмунга кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

– ишлаб чиқариш моддий харажатлари;

– ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

– ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

– асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

– ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг гуруҳланиши:

- Ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий ўрнига қараб:

асосий ва доимий харажатлар.

- Таркибига қараб:

комплекс ва бир элементли харажатлар.

- Таннархга ўтказиш усулига қараб:

тўғри ва эгри харажатлар.

- Ишлаб чиқариш ҳажмига қараб:

ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар.

- Юзага келишига қараб:

доимий ва бир вақтли харажатлар.

- Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига қараб:

ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлар.

- Самарадорликка қараб:

самарали ва самарасиз харажатлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида, ўз вақтида ва тўлалигича ҳисобга олиш;
2. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатларини ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ ҳолда тегишли дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш;
3. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларни раҳбарият ва бошқа фойдаланувчилар учун шакллантириб бериш;
4. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисобини амалдаги меърий ҳужжатлар асосида юритилишини таъминлаш;
5. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатларни ўз вақтида ва иқтисодий асосланган ҳолда таксимлаш;
6. Узумчилик ишлаб чиқариш харажатларни бизнес-режада белгиланган сметада бўлишини таъминлаш ва назорат қилиб бориш.

3.2.Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг дастлабки ҳисоби.

Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда, хўжалик операцияларига тўғри бухгалтерия проводкаси бериш ва ҳисоб регистрларини ўз вақтида юритиш учун харажатларни моҳияти ва турларини билиш муҳим аҳамият касб этиб, бу фермер хўжалигида бошқарув ҳисобининг самарали ишлашини таъминлайди, шунингдек ҳисоб маълумотлари асосида хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш имкониятини оширади.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ишончилиги кўп жиҳатдан дастлабки ҳисобни ташкил этилиши ва юритилишига боғлиқ.

Дастлабки ҳисоб – бу бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларидан бири бўлиб, ҳужжатлар асосида иш юритилиши билан бевосита боғлиқ. Дастлабки ҳисоб қуйидаги уч элементдан иборат:

1. Дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари
2. Моддий жавобгар шахснинг кирим-чиқим дафтари.
3. Моддий жавобгар шахснинг ҳисоботи.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатларда тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш фермер хўжалигида бошқарув ҳисобининг самарали ишлашини таъминлайди. Шу билан биргаликда ҳисоб маълумотлари асосида хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш имконияти ошади.

Фермер хўжаликларида узумчилик тармоғидаги ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олишда турли хил бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланилади. Фойдаланиладиган бухгалтерия ҳужжатларини қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- 1.Меҳнат сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.
- 2.Меҳнат предметлари сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.
- 3.Меҳнат воситалари сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.

4.Маҳсулот чиқишини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.

Меҳнат сарфини ҳисобга олиш ҳужжатларида узумчиликда муайян ишларни бажариш учун сарфланган меҳнат ва ҳисобланган тўлов акс эттирилади. Механизациялаштирилган ишларда тракторчи машинистнинг ҳисоб варақалари (67-а ва 67-б шакллар), механизациялаштирилмаган ишларда меҳнат ҳисоби ва бажарилган ишлар варақалари (66- ва 66-а шакллари) қўлланади. Шунингдек, ишбай ишларда ишланган вақтни ҳисобга олиш учун – иш вақтини ҳисобга олиш табели (64-шакл) қўлланади.

Меҳнат предметлари сарфи ҳисобга олинган ҳужжатларда узумчиликда сарфланган турли моддий қийматлар: ўғит, захарли химикатлар, гербицидлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказоларни қайд этади. Экишга сарфланган кўчат материаллари уруғ ва экиш материалларини сарфлаш далолатномаси (119-шакл), ўғит, захарли химикат ва гербицидлар сарфи – маъданли, органик ва бактериал ўғитлар захарли химикатлар ва гербицидларни ишлатиш тўғрисида далолатнома (118-шакл), майда инвентар ва буюмлар – ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари ва буюмларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (126-шакл) билан расмийлаштирилади ва ҳоказо. Дастлабки ҳужжатлар кўрсаткичлари ой охирида моддий қийматлар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботларда (121-шакл) умумлаштирилади, шундан сўнг бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш ҳисоботларига моддий қийматлар сарфи ҳақида тегишли ёзувлар киритилади.

Меҳнат воситалари сарфини ҳисобга олиш ҳужжатлари узумчиликда фойдаланилган меҳнат воситалари бўйича харажатлар, хусусан ҳисобланган амортизация ажратмалари акс эттирилади. Бунга амортизацияни ҳисоблаш ва тақсимлаш бўйича турли ҳисоб-китоблар: йил бошидаги ҳолатига кўра асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалар ҳисоб-китоби (52-шакл) келиб тушган ва чиқиб кетган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ҳисоб-китоби (60-шакл), бир ойлик амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ведомости (62-шакл), деҳқончилик тармоғидаги асосий воситалари бўйича ҳисобланган амортизацияси тақсимлаш ведомости

(63-шакл). Бу гуруҳ билан асосий воситаларни жорий таъмирлаш бўйича ҳужжатлар узвий боғланган. Буларга машиналарни таъмирлаш учун нуқсонлар (дефектлар) ведомости (130-шакл), жорий таъмирлаш харажатларини тақсимлаш ведомости тааллуқлидир.

Маҳсулотлар чиқишини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар: дон, техник экинлар, сабзаёт, мева, озуқа каби деҳқончилик тармоги маҳсулотларини кирим қилиш қайд этилади. Буларга: дон экинлари бўйича – дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш ведомости (77-шакл), маҳсулотни даладан олиб чиқиш йўлланмаси (77-а-шакл), донни талонли ҳисобга олиш усулида талонлар (77-б, 77-в, 77-г-шакл), дон ва бошқа маҳсулотларни қабул қилиш реестри (78-шакл), донни тарозибон томонидан қабул қилиш реестри (78-а-шакл), дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракати ведомости (80-шакл) киради.

Узумчиликда харажатларни ҳисобга олиш бўйича ҳам, маҳсулотлар чиқишини ҳисобга олиш бўйича ҳам кўп миқдордаги хилма-хил ҳужжатлардан фойдаланилади. Ҳар бир гуруҳ ҳужжатларидаги маълумотлар уларга ишлов берилганда маълум белгиларига кўра ҳужжатларнинг ҳаракатланиши ва ишлатилиш тавсифига кўра бир тизимга солинади.

Меҳнат сарфлари ҳисобга олинadиган ҳужжатларнинг маълумотлари иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш учун ҳар бир ходим ҳамда ходимлар тоифаси бўйича иш ҳақи фондидан фойдаланишни назорат қилиш мақсадида умумлаштирилади.

Меҳнат предметларини ҳисобга олинadиган ҳужжатларнинг маълумотлари моддий жавобгар шахслар ҳамда моддий қийматларнинг келиб тушиши ва сарфланиши йўналишлари бўйича бир тизимга солинади.

Меҳнат воситаларининг сарфланиши ҳисобга олинadиган ҳужжатларнинг маълумотлари бир турдаги асосий воситалар гуруҳлари ва турлари ҳамда асосий воситалардан фойдаланиш йўналишлари бўйича бир тизимга солинади.

Маҳсулотлар чиқиши ҳисобга олинadиган ҳужжатлар маълумотлари маҳсулот турлари, моддий жавобгар шахслар, маҳсулотнинг келиб тушиш ва сарфланиш йўналишлари бўйича бир тизимга солинади.

Ўсимликчилик маҳсулотлари даромадга олиниши, олинган маҳсулот турларига қараб қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- 1.«Дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри».
2. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиш кундалиги».
3. «Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот».
4. «Боғдорчилик маҳсулотлари келиш кундалиги».
5. «Ёпиқ грунт маҳсулотларини келиш кундалиги».
6. «Дағал ва ширали озуқаларни қабул қилиш далолатномаси».

Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалигида юқоридаги стандарт ҳужжатларни ҳаммаси ҳам фойдаланишда эмас, уларнинг ўрнига ихтиёрий ҳолда тузилган ҳужжатлардан фойдаланилган. Жумладан, хўжаликда фермер хўжалиги раиси Умиров Х., бош ҳисобчи Низомов С., аъзолар Рашидова Н., Сувонов А. ва Икромов С.лар томонидан сана кўрсатилмасдан тузилган далолатномага асосан 70 тонна гўнг, 720 минг сўмлик моддий қийматликлар ҳисобдан чиқарилган. Бу ҳолат яна иккита хўжалик операцияларида қайтарилган. Одатда, ихтиёрий ҳолда тузилган ҳужжатларда уларга тегишли бўлган реквизитларда кўрсаткичлар тўлиғича тўлдирилмайди. Шунинг учун ушбу операцияларни уларга мўлжалланган ҳужжатларнинг стандарт шаклларида фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Айнан шундагина акс эттириладиган хўжалик операциялари ҳужжатларда ҳар жиҳатдан тўлиқ акс эттирилишига эришилади.

Узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг дастлабки бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳужжатларини туркумлаш, бир-бирини такрорлашларга йўл қўймаслик, реквизитларнинг ахборотлар тўлаллигини сақлаган ҳолда бўлиши, унификациялаштириш ва стандарлаштириш, қоғозни тежаш ва электрон шаклга ўтиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Битирув иши бажариш

давомида фермер хўжаликларига узумчилик харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш жараёнидаги бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари туркумлиниб, бир-бирини такрорлайдиган ҳужжатлар ўрнига, ахборотлар тўлалигини таъминлайдиган ҳужжатлар таклиф этилди. Таклиф этилан ҳужжатлар унификациялаш ва стандартлаш талабларига жавоб бериб, бухгалтерия ҳисобининг "1 С - Бухгалтерия" ёки БЭМ электрон дастурларни қўллашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса дастлабки ҳисобни такомиллаштириш билан бирга, ҳисоб маълумотларини тўлалиги ва тезкорлигини ошириб, қоғозларни тежаш, электрон ахборот алмашинувини яхшилашга олиб келиб, бошқарувчиларни ўз вақтида тўлиқ ахборотлар билан таъминлаш имконини беради.

3.3.Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш.

Ишлаб чиқариш харажатларни ҳисобга олишда, ишлаб чиқариш харажатларни иқтисодий моҳияти ва турлари бўйича тўғри гуруҳлаш хўжалик операцияларига тўғри бухгалтерия проводкаси бериш ва ҳисоб регистрларини ўз вақтида юритиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш харажатлари иқтисодий моҳиятига асосан материал (моддий) харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари, ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар, асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши, бошқа харажатлар харажат элементларига бўлиниб, харажатларнинг бундай гуруҳлашда уларни таҳлил қилиш асосида қайси харажатлар устидан кўпроқ назорат ўрнатиш лозимлигини аниқлаб беради.

Ихтисослашган мевачилик хўжаликлари, шунингдек тегишли тармоқлараро мевачилик корхоналари харажатлар ҳисобини ҳар бир етиштирилаётган экин бўйича юритадилар. Ихтисослашмаган бу тармоқ ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган хўжаликларда мевачилик экинлар гуруҳлари (пўчоқли уруғлилар, данаклилар, мевазорлар, ёнғоқ мевалилар ва шу кабилар) бўйича ёки умуман тармоқ бўйича юритилади.

Йил охирида боғдорчилик харажатлари счётларида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ҳосил йиғиб олингандан кейинги ишлар: шохларни қирқиш, пояларни кўмиш, ўғит солиш кабилар ҳамда уруғдан кўкартирилган кўчатлар, қаламчалар, ерда ўстиришга қолдирилган бир йиллик ва икки йиллик кўчатлар қийматиغا тенг харажатлар қолади.

Мевачиликда харажатларнинг асосий қисмини товар ишловини бериш харажатлари эгаллаши туфайли ҳар бир экинлар гуруҳи бўйича иккита аналитик счёт очиш мақсадга мувофиқдир: «Меваларни ўстириш харажатлари» ва «Маҳсулотга товар ишловини бериш харажатлари». Иккинчи аналитик счётдаги харажатлар асосий маҳсулот таннархига тўлиқ ўтказилади, биринчисидаги эса асосий ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тақсимланади.

Янги кўчатзорлар барпо қилишда фойдаланиладиган ўз фермер хўжалигида етказилган экиш материаллари кўчат, уруғдан ундирилган, пархиш қилинган ва шу кабилар ҳақиқий таннархда баҳоланади. Мевали кўчатзорларни реконструкция қилиш харажатлари (эски кўчатларни зичлаштириш ва ёш кўчатларни ўстириш ҳисобига гектардаги дарахтлар сонини кўпайтириш) капитал қуйилмалар ҳисобига айна бир вақтда асосий воситалар қийматини ошириб ёзилади.

Фермер хўжаликларида узумчилик тармоғидаги харажатлар қуйидаги еттита харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилади:

1. Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга.
2. Уруғлик ва кўчат материаллари.
3. Ўғитлар.
4. Иш ва хизматлар.
5. Суғурта тўловлари.
6. Умумишлаб чиқариш харажатлари.
7. Бошқа харажатлар.

«Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга» харажат моддасида узумчиликда ишлаган турли тоифадаги ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи тавсифига эга бўлган пул ва натура тўловлари ҳисобга олинади. Ходимларнинг асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғурта ва таъминот фондига ўтказилган ажратмалар ҳамда таътил ҳақи ажратмалари ҳам шу моддада ҳисобга олинади. Аниқ бир экин ва иш турига ўтказиш мумкин бўлмаган меҳнат ҳақлари ҳисоб объектлари ўртасида меҳнат ҳақи мутаносиб тақсимланади.

«Уруғлик ва кўчат харажатлар» харажат моддасида фермер хўжаликнинг ўзида етиштирилган ва сотиб олинган уруғлик ва кўчатлар ҳамда уларнинг тегишли экинларни экиш учун сарфланиши акс эттирилади. Бунда олдинги йилларда етиштирилган ҳамда сотиб олинган уруғлик ва кўчатлар ҳақиқий таннархда акс эттирилса, жорий йилда етиштирилган уруғ ва кўчатлар, йил давомида режа таннархда ҳисобга олиниб, йил охирида ҳақиқий таннарх

даражасига етказиб қўйилади. Уруғларни экишга тайёрлаш (курутиш, саралаш ва бошқа ишлов бериш) харажатлари уларнинг таннархига ўтказилади. Лекин бевосита экиш олдидан қилинадиган харажатлар (уруғни экиш жойига ташиб келтириш, ортиш, тушириш, дорилаш, ивитиш ва шу кабилар) уруғнинг таннархига ўтказилмай, бевосита ўсимликчиликнинг тегишли харажат моддалари (меҳнат ҳақи, ишлар ва хизматлар, асосий воситаларни сақлаш харажатлари)га ёзилади.

«Ўғитлар» харажат моддасида узумчиликка сарфлаган маъданли ўғитлар, микро ўғитлар ва бошқа ўғитлар, шунингдек маҳаллий ўғитлар миқдор ва сумма кўрсаткичида акс эттирилади. Бу моддада харажатлар маъданли ва органик ўғитлар бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Ўғитларни тайёрлаш, юклаш, далага ташиш ва ерга солиш билан боғлиқ бўлган харажатлар бу харажат моддасида эмас, балки бевосита ўсимликчиликнинг тегишли харажат моддаларида акс эттирилади.

«Ишлар ва хизматлар» харажат моддасида фермер хўжаликнинг ўзидаги транспорт ва от-улов транспорти, тракторлар бажарган транспорт ишлари ҳисобга олинади. Йил охирида бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи аниқлангандан сўнг режа таннарх ҳақиқий таннарх даражасига етказилади. Ўсимликчилик тармоғи учун кўрсатилган электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти хизматлари ҳам шу моддада ҳисобга олинади. Чет ташкилотларининг транспорт ва бошқа хил хизматлари шартнома қиймати бўйича баҳоланади.

«Суғурта тўловлари» харажат моддасида қишлоқ хўжалик экинлари ва мева берадиган ёшдаги кўп йиллик дарахтлар ҳосилининг давлат мажбурий суғуртасига оид тўловлар ҳисобга олинади. Ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлган бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалик машиналари, қурилмалар, инвентарлар ва бошқа асосий воситаларнинг суғуртаси бўйича тўловлар ҳам шу моддада ҳисобга олинади. Бундай асосий воситалар бўйича суғурта тўловлари ўсимликчилик турига асосий

воситаларни сақлаш харажатларига мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан олиб борилади.

«Умумишлаб чиқаришлар» харажат моддасида умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш натижасида, узумчилик тармоғига тегишли умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олиб борилади, яъни узумчилик тармоғида ишлаб чиқаришни ташкил этиш харажатлари ва фермер хўжаликни бошқариш харажатларининг тегишли қисми ҳисобга олинади.

«Бошқа харажатлар» моддасида юқоридаги моддаларда ҳисобга олинмаган, узумчиликнинг барча бевосита харажатлари акс эттирилади. Бу харажатларга тегишли ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш билан боғлиқ бўлган сарфлар, идиш ва қадоклаш харажатлари техника ташвиқоти ва стандартлаштиришга оид харажатлар киради.

Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалигида узумчилик харажатларини моддалари билан ўрганганимизда, уларнинг таркиби куйидагича бўлган (5–жадвал).

5–жадвал

Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалигида узумчилик харажатлари таркиби⁹, минг сўм

№	Харажат моддалари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши, +/-
1.	Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга	10741	13250	17620	6879
2.	Уруғлик ва кўчат материаллари	-	3462	2040	2040
3.	Ўғит	2510	2972	3820	1310
4.	Иш ва хизматлар	987	1070	1230	243
5.	Суғурта тўловлари	670	905	1340	670
6.	Умумишлаб чиқариш харажатлари	765	980	1236	471
7.	Бошқа харажатлар	1840	1720	2830	990
Жами:		17513	24359	30116	12603

⁹**Манба:** Пайариқ тумани «Умиробод» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар (1 с/х-фермер) статистик ҳисобот маълумотлари.

5-жадвалдан кўришиб турибдики, «Умиробод» фермер хўжалигида 2010 йилда узумчилик тармоғига жами 30116 минг сўм харажат қилиниб, бу 2008 йилга нисбатан 12603 минг сўмга ёки 72 фоизга кўпдир. Жумладан, узумчиликда банд бўлган ишловчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи, ажратмалари билан бирга жами харажатнинг 58,5 фоиз (17260 минг сўм)ни, кўчат харажатлари 6,8 фоиз (2040 минг сўм)ни, ўғит харажатлари 12,7 фоиз (3820 минг сўм)ни, иш ва хизматлар 4,1 фоиз (1230 минг сўм)ни, суғурта тўловлари 4,4 фоиз (1340 минг сўм)ни, умумишлаб чиқариш харажатлари 4,1 фоиз (1236 минг сўм)ни, узумчиликнинг бошқа харажатлари эса 9,4 фоиз (2830 минг сўм)ни ташкил этган.

«Умиробод» фермер хўжалигида узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олишда қўлланиладиган счётларни кўриб чиққанимизда, узумчилик харажатлари 2010–«Асосий ишлаб чиқаришлар» счётининг 2012–«Узумчилик» аналитик счётида ҳисобга олиб борилар экан. Бу счёт дебетида узум етиштириш учун қилинган харажатлар ҳисобга олинса, кредитида эса етиштирилган узумнинг режа таннархида баҳоланган қиймати ва йил охирида режа таннархи билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги тафовут акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 сентябрда қабул қилинган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилган Бухгалтерия ҳисобининг №21 миллий андозаси «Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосан «Умиробод» фермер хўжалигида ҳам янги счётлар режаси 2006 йил 1 январдан бошлаб қўлланила бошланган экан.

«Умиробод» фермер хўжалигида узумчилик харажатларини ҳисобга олиш бўйича амалга оширилган хўжалик операциялари тегишли бухгалтерия счётларида акс эттирилиб борилади. Ушбу хўжалик операцияларига, яъни узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкалари янги счётлар режаси асосида тузилган.

Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши бўйича кўйидаги бухгалтерия проводкалари берилди:

1. «Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга» моддасида узумчиликнинг бевосита технологик жараёнида ишлаган турли тоифадаги ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи тўловлари ҳамда ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар ҳисобга олинганда.

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар» счёти – узумчилик тармоғи ишловчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланганда – 17620 минг сўм.

2. «Уруғлик ва кўчат материаллари» харажат моддасида ток кўчати учун сарфланган харажати суммасига..

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 1090-«Бошқа материаллар» счёти – узумчиликка сарфланган кўчат материаллари қийматига – 2040 минг сўм.

3. «Ўғитлар» моддасида узумчилик тармоғи учун сарфланган минерал ва органик ўғитлар сарфи суммасига.

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 1090-«Бошқа материаллар» счёти – узумчиликка сарфланган минерал ва органик ўғитлар қийматига – 3820 минг сўм.

4. «Иш ва хизматлар» харажат моддасида узумчилик тармоғига хўжаликни ёрдамчи ишлаб чиқаришлари кўрсатган хизмати ва чет ташкилотлар томонидан бажарилган иш ва суммасига

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счёти – узумчилик тармоғида хўжаликни ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари кўрсатган хизмат суммасига – 630 минг сўм.

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти – узумчилик тармоғида чет ташкилотларнинг кўрсатган хизмати суммасига – 600 минг сўм.

5. «Суғурта тўловлари» харажат моддасида ток кўчатлари ва узум ҳосилини турли табиий офатлардан суғурталаш харажатлари суммасига.

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 6520-«Суғурта бўйича тўловлар» счёти – ҳисобланган суғурта тўловлари суммасига – 1340 минг сўм.

6. «Умумишлаб чиқариш харажатлари» харажат моддасида узумчилик тармоқлари бўйича умумий ишлаб чиқариш харажатларини тақсимланганда.

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти – узумчиликка тегишли умумий ишлаб чиқариш харажатлари тақсимланганда – 1236 минг сўм.

7. «Бошқа харажатлар» харажат моддасида юқоридаги моддаларда ҳисобга олинмаган узумчилик тармоғининг бошқа тўғри харажатлари суммасига – 2830 минг сўм.

Узумчилик тармоғида етиштирилган узум хом ашёси йил давомида режа таннархида баҳолаб кирим қилинади. Йил охирида қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларни ҳақиқий миқдори аниқлангандан сўнг ҳақиқий таннарх ҳисобланиб, режа таннархи ҳақиқий таннархга тузатилади.

Узумчилик тармоғида етиштирилган маҳсулот – узум хом ашёсини фермер хўжалик омборига кирим қилишда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 2810-«Тайёр маҳсулотлар» счёти.

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти – узум хом ашёси кирим қилинганда.

«Умиробод» фермер хўжалигида узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ва аналитик ҳисобини

Ўрганганимизда, бевосита узумчилик тармоғига тегишли бўлмаган харажатлар, жумладан электр энергия харажатлари узумчилик тармоғи харажатларига қўшиб юборилганлиги маълум бўлди. Шунинг учун бевосита узумчиликка тегишли харажатларни узумчилик харажатларига олиб бориш ҳамда узумчилик харажат моддаларига қуйидаги харажат моддалари қўшиш таклиф этилди:

- Ўз ёрдамчи ишлаб чиқариш иш ва хизматлари;
- Четдан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар;
- Солиқ тўловлари.

Ушбу харажат моддаларини қўшилиши узумчилик харажатларини ҳисобга олишни янада аналитиклаштириб, ҳар бир харажат турини назорат қилиш ва бошқаришни янада яхшилайдди.

4-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ.

4.1.Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг умумий усуллари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий имкониятларидан биридир. Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш корхоналарда харажатларни камайтириш имкониятларини аниқлаш билан бирга, улар устидан доимо назорат ўрнатишни таъминлаб, маҳсулот таннархини пасайишига ва фойдани ошишига олиб келади. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг фаолиятини баҳолаш чоғида маҳсулотнинг таннархи, унинг таркибий ўзгариши қандай талқин қилинишидан қатъий назар, муҳим аҳамиятга эга. Чунки таннархнинг пасайиши фойда ўсишининг асосий манбаси ҳисобланади. Шунинг учун «маҳсулотнинг таннархи» тушунчасини нафақат амалдаги йўриқномалар асосида, балки унга хос бўлган иқтисодий мазмунларга биноан ҳам аниқланиши керак, яъни, маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқланишини таъминлаш лозим. Шунда хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот таннархини камайтириш, унумсиз сарф-харажатларни олдини олиш имкони туғилади.

Таннарх деганда, одатда «корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий ва меҳнат ресурсларнинг пул шаклидаги кўриниши» тушунилади. Маҳсулотнинг таннархи – корхона ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг барча томонлари ва унинг ишининг самарадорлигини характерловчи синтетик, умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Корхоналарда маҳсулотнинг таннархининг режалаштирилиши, ҳисоби, назорати ва таҳлили корхоналарнинг техник қуролланганлик ва ишлаб чиқариш воситаларининг

самарадорлик даражаларини, меҳнат унумдорлигини, иқтисодиётда материал ресурсларни тежамли сарфлаш режимига амал қилинишини аниқлайди.

Фермер хўжаликларида ҳам бошқа фермер хўжаликларилар сингари йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида белгиланганидек 1-январдан 31-декабргача бўлган давр ҳисобланади. Фермер хўжаликларида йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи йил охирида аниқланади. Таннархи аниқланадиган маҳсулот калкуляция объекти ҳисобланади. Ўсимликчиликдан олинган асосий ва ёндош маҳсулотларни таннархи аниқланади. Қўшимча маҳсулотлар таннархи аниқланмайди, улар маълум баҳода баҳоланиб жами харажатдан чегириб ташланади.

Ўсимликчиликда маҳсулот таннархини аниқлашдан олдин бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари текширилади.

Маҳсулотни ҳақиқий таннархини аниқлашдан олдин қуйидагиларни тўғрилиги текширишдан ўтказилади:

1.Ишлаб чиқариш харажатларини хар бир тармоқ бўйича ва фермер хўжалиги бўйича тўлиқ акс эттирилганлиги;

2.Асосий ва қўшимча маҳсулотларни тўлиқ даромадга олинганлиги;

3.Табиий офат натижасида нобуд бўлган экинлар харажатлари ва инвентаризация натижаларини тўлиқ ҳисобда акс эттирилганлиги;

4.Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича калкуляция фарқларини ўтказилганлиги;

5.Тақсимланадиган харажатлар: умумий ишлаб чиқариш, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тақсимланадиган жорий таъмирлаш, тақсимланадиган амортизация, тақсимланадиган суғориш ва келгуси давр харажатлари тўғри тақсимланганлиги текширишдан ўтказилади.

Маҳсулот таннархи - бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Маҳсулот таннархини аниқлаш учун жами харажатни маҳсулот миқдорига бўлиш керак. Бухгалтерия ҳисобида

бир бирлик маҳсулот таннархини аниқлаш жараёни маҳсулот таннархи калькуляцияси дейилади. Маҳсулот таннархи калькуляциясида харажатларни калькуляция объектлари ўртасида иқтисодий асосланган ҳолда тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга.

Харажатларни калькуляция объектлари бўйича тақсимлашнинг бир канча усуллар мавжуд (ушбу усуллар «калькуляция усуллари» ҳам дейилади) булар:

1.Оддий усул - ушбу усул бир экиндан бир турдаги маҳсулот олинса,яъни «харажат объекти» билан «калькуляция объекти» бир-бирига мос келса қўлланилади. Бунда жами харажат олинган маҳсулот миқдорига бўлинади.

2.Қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиш усули - ушбу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажатлар «калькуляция объекти»га олиб борилиб маҳсулот таннархи аниқланади.

3.Ўртача сотиш баҳолари асосида маҳсулот таннархи усули - ушбу усулда жами харажатлар«калькуляция объекти»лари ўртасида уларни ўртача сотиш баҳолари асосида аниқланган қийматларининг салмоғига мос равишда тақсимланиб, маҳсулот таннархи аниқланади.

4.Коэффициентлар асосида маҳсулот таннархи усули - ушбу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажатлар «калькуляция объекти»лари ўртасида белгиланган коэффициентлар асосида шартли маҳсулотга айлантирилган салмоғига мос равишда тақсимланиб, маҳсулот таннархи аниқланади.

5.Эксперт усули - бу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажат асосий ва ёндош маҳсулотлар ўртасида олдиндан белгиланган фоизлар асосида тақсимланиб, маҳсулот таннархи аниқланади.

4.2.Узумчилик тармоғида маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш.

Узумчиликда маҳсулот таннархини ҳисоблаш, узумчилик тармоғида харажатлар ва маҳсулот чиқиши ҳисобининг охириги босқичи ҳисобланади. Маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотни иқтисодий самарадорлигини объектив ва аниқ ҳисоблаш имконини бериб, корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг қайси биридан кўпроқ самара олинаётганини тўғри аниқлаш имконини беради. Чунки ҳозирги кунда фермер хўжаликларида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот чиқиши ҳисоби бошқарув ҳисобига кирганлиги туфайли, хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ўз вақтида ва иқтисодий асосланган ҳолда юритишга берилаётган эътиборни талаб даражасида деб бўлмайди. Бунга сабаб мамлакатимизда молиявий ва бошқарув ҳисобини корхоналарда ташкил этиш ва юритиш бўйича меъёрий базани шаклланган бўлишига қарамасдан, фермер хўжаликлари бошқарув ҳисобини юритиш услубиёти, айниқса харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш услубиёти бўйича мавжуд муаммолар бугунги кунда етарли даражада ҳал этилган эмас. Бундан ташқари, фермер хўжаликларининг аксариятида "Ҳисоб сиёсати" ишлаб чиқилмаган. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги узумчилик тармоғида маҳсулот таннархи ҳисоблаш услубиётига таъсир қилиб, уни харажатлар ҳисоби услубиёти билан бирга, такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархини аниқлаш тармоқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кераклигини белгилаб беради. Бундай хусусиятлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Дехқончиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик цикли, шунингдек иш вақти ва ишлаб чиқариш вақтининг мос келмаслиги маҳсулот таннархини ҳисоблашни фақат хўжалик йили тугагандан кейин амалга ошириш кераклигини кўрсатади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасини аниқлаш фақат йил охирида 1-январ ҳолатига аниқланади. Бу харажатларга

келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар киради. Ҳақиқий таннарх фақат йил охирида аниқланади, йил давомида эса олинган маҳсулотлар режа таннархи билан ҳисобланади.

Режа таннархи – бу корхона режалаштираётган даврдаги маҳсулот жами ва бирлигига сарфланиши лозим бўлган харажатлар йиғиндиси ифодаланади.

Ҳақиқий таннарх- бу йил охирида корхона хўжалик фаолиятини якун қилишда, сафланган ҳақиқий харажатлар ва олинган маҳсулотлар асосида ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида олинган маҳсулотларининг барча асосий ва ёндош маҳсулотлари бўйича таннарх ҳисобланади.

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича таннархни ҳисоблашда даставвал асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотларнинг турлари бўйича миқдори аниқланади. Аммо, ҳар бир маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини алоҳида ташкил қилиб бўлмайди. Шунинг учун барча турдаги маҳсулотлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

1. Харажатларни бевосита маҳсулот турларига олиб бориш.
2. Алоҳида қишлоқ хўжалик экинлари турлари, маҳсулотлари бўйича, ҳайвонлар маҳсулотлари бўйича, турлари учун умумий бўлган белгилар бўйича харажатлар олинadиган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдори аҳамиятига мос равишда тақсимланади.
3. Алоҳида турдаги маҳсулотларни олишга кетган харажатларни экспертлар йўли билан баҳолаш ва уларни маълум бир кўрсаткичларда акс эттириш.
4. Маълум бир экиндан олинган маҳсулотлар тури бўйича харажатларни марказлашган тартибда ўрнатиладиган иқтисодий жиҳатдан асосланган коэффициентларни қўллаш ёрдамида, центнер – коэффициент ва бошқа шартли birlikларнинг миқдорига мос тақсимланади. Уларни аниқлашда маҳсулот турларидан бирининг бирлигига тўғри келадиган

харажат бир деб қабул қилинади, бошқа маҳсулотлар бирлигига қилинган харажатлар шу бирликка нисбатан олиниб коэффициент кўринишида ифодаланади.

5. Харажатлар маҳсулотни сотиш баҳоси бўйича баҳолангандаги маҳсулот қийматига мос тақсимланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинаётган иқтисодий самарали тўғри аниқлашга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни тўғри аниқлаш ҳар бир харажат объекти бўйича ҳисобга олиб борилган харажатларни калькуляция объектлари ўртасида тегишли тартибда тақсимлаш зарур. Харажатларни қайси экин турига, чорва моли турига ёки иш, хизмат турига олиб бориладиган бўлса, ўша харажат объекти дейилади. Ўсимликчилик тармоғи харажат объектлари бўлиб қишлоқ хўжалик экинлари, қишлоқ хўжалик ишлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар ҳисобланади.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашдан олдин харажатларни акс эттирувчи счетлар бўйича қуйидагилар синчиклаб текширилади:

- барча қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлиги;
- келгуси йиллар ҳосили учун қилинган харажатларнинг йиллар бўйича тўғри тақсимланганлиги ва ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;
- табиий офатлар оқибатида зарарланган экинлар бўйича харажатлар суммасини тўғри ҳисобдан чиқарилганлиги;
- 2010-«Деҳқончилик» счётида акс эттирилган миқдор кўрсаткичлар (киши-соатлар, экилган уруғлик ва кўчатлар, солинган ўғитлар ва бошқалар) нинг тўғрилиги ва шу кабилар.

Ҳақиқий таннархи аниқланадиган маҳсулот, иш, хизмат турига калькуляция объекти дейилади. Калькуляция объекти қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий ва ёндош маҳсулотлар ҳисобланади. Кўшимча маҳсулотлар калькуляция объекти

бўлмайди. Маҳсулот таннархини аниқлашда асосий муаммо бўлиб, харажатларни калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш ҳисобланади.

Узумчилик тармоғида таннархни ҳисоблашда жорий йилда ҳисобга олинган харажатлар суммасидан қаламча, пархшлаш, илдиз бачки ва новдаларнинг сотиш баҳосида баҳоланган қиймати чегириб ташланади.

Мева боғлардан олинган асосий маҳсулотлар стандарт ва ностандарт бўлиб, уларнинг таннархи алоҳида аниқланади. Тегишли харажатлар эса стандарт ва ностандарт маҳсулотлар ўртасида уларнинг ўртача харид нархи бўйича қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

Узумчилик тармоғида калькуляция объекти бўлиб, узум ҳосили ҳисобланади. 1 центнер узум таннархини аниқлаш учун жами харажатлар олинган маҳсулот миқдорига бўлинади.

2010 йилда Пайариқ тумани фермер хўжаликларида 2325 ҳосилли гектарда узум етиштирилиб, узумчилик тармоғи харажатлари 4281 миллион сўмни ташкил этган. Туман бўйича 15690 тонна узум ҳосили йиғиштириб олинган. Туман бўйича 1 центнер узум таннархи қуйидагича бўлган:

$$1 \text{ ц. узум таннархи} = \frac{4281 \text{ млн. сўм}}{15690 \text{ ц}} = 27,285 \text{ мингсўм}$$

Демак, 2010 йилда Пайариқ тумани фермер хўжаликлари бўйича 1 центнер узум таннархи 27285 сўмни ташкил этган.

Узумчилик тармоғи бўйича харажат объектларини «Умиробод» фермер хўжалиги мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 2010 йилда фермер хўжалик 20 гектар ҳосилли ерда узум етиштириб, 1420 центнер ҳосил олган ёки ҳар гектар ердан 71 центнердан узум ҳосили олинган. Бу 2009 йилга нисбатан 510 центнерга кўп. Жами харажатлар 30116 минг сўмни ташкил этган. Шундай қилиб, фермер хўжаликда узумга тегишли бўлган 30116 минг сўмлик харажатлар, калькуляция объекти бўлган 1420 центнер узумга тегишли бўлган.

Ушбу маълумотлар асосида узумнинг ҳақиқий таннархини ҳисобласак, у қуйидагича бўлади:

$$1 \text{ ц. узум таннархи} = \frac{30116 \text{ минг сум}}{1420 \text{ ц}} = 21,208 \text{ минг сўм}$$

Демак, «Умиробод» фермер хўжалигида 2010 йилда 1 ц. узумнинг таннархи 21208 сўмни ташкил этган. Фермер хўжалигида узумчилик таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Йил охирида режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқни коррективировка қилиш ва йиллик ҳисобот тузишда ушбу ёзувларни ҳисобга олиш ҳамда йил бошида мавжуд узумни ҳақиқий таннархда баҳоланишини таъминлаш лозим.

**5-БОБ.ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.**

Фермер хўжаликларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича қўйилган асосий мақсад - бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати, яъни меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортдаги фаолиятини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тамойил ва усуллар асосида: бахциз ҳодисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган воситадир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди. Мазкур Қоидалар ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим муассасалари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тааллуқлидир.

Таълим муассасалари талабалари меҳнатидан фойдаланиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назорат махсус ваколат берилган давлат органлари, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олишда банд бўлган таълим муассасалари талабаларига иш турлари бўйича белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ берилиши керак. Бунда улар олдида куйидаги талаблар қўйилади:

Таълим муассасалари талабалари меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар:

– Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

– Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомга мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

– Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига ега бўлган ишларга жалб қилинмайди.

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-бандига мувофиқ ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Боғдорчилик-узумчилик ишларини олиб боришда куйидаги хавфсизлик талабларига риоя этиш талаб этилади:

Талабалар боғ ва узумзорларда ишга жалб қилинишидан олдин махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши керак.

Талабалар боғ ва узумзорларда тайинланган раҳбар бошчилигида ишлашлари лозим.

Талабалар боғ ва узумзорларда иш бошлашдан олдин соз иш қуроллари билан таъминланишлари лозим.

Иш қуролларини улоқтириш ва кетмон, хаскаш, арра, ўрокни қирқиш қисми ёки тишлари билан тепага қаратиб қўйиш тақиқланади.

Чопиш ишларини бажаришга мослаштирилган асбоб-ускуналар (кетмон, теша ва ҳ.к.) билан ишлаганда қаттиқ, ёпиқ оёқ кийимларда ишлаш лозим.

Кетмон ва теша билан ишлаганда талабаларнинг ўзаро оралик масофаси 2 м дан кам бўлмаслиги керак. Бу жараёнларда ўтмас қуроллар билан ишлаш тақиқланади.

Боғ ва узумзорларда қўлланиладиган асбоб-ускуна ва бошқа воситалардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш лозим.

Боғ ва узумзорларда талабаларнинг якка ҳолда ишлашларига йўл қўйилмайди.

Боғ ва узумзорларда инсон соғлиғига зарар етказувчи турли ҳашаротлардан сақланиш мақсадида эҳтиёткорлик талаб этилади ва дарахтлар остида ётиб дам олиш тақиқланади.

Боғ ва узумзорларда нарвонлардан фойдаланилганда энг юқори зинасига чиқиб иш бажариш тақиқланади. Бунда бир нафар талаба нарвонни ушлаб туриши, иккинчисининг нарвонга чиқиб ишни бажаришига рухсат этилади. Нарвонлардаги зиналар оралиғи 0,3 м дан, нарвоннинг тиклиги 75° дан кўп бўлмаслиги керак.

Боғ ва узумзорларда меваларни ювмасдан истеъмол қилиш қатъиян тақиқланади.

Боғ ва узумзорларда дарахтларни силкитиш механизмлари билан иш бажараётганда, талабалар бир-биридан 5 — 7 м масофа узоқликда туришлари лозим. Кучли ёғингарчиликда, шох музлаганда, шамол тезлиги секундига 6,5

м бўлганда ёки кучли туман тушганда дарахтдаги меваларни териш қатъиян тақиқланади.

Боғ ва узумзорларда йиқилиш ёки синиб тушиш эҳтимоли бўлган дарахтлардан мева териш ва улар атрофидаги ишларни бажаришда, шунингдек, қоронғи тушган пайтларда талабалардан фойдаланиш ман этилади. Боғ ва узумзорларда куннинг қоронғи тушган вақтларида талабаларнинг ишлашларига рухсат этилмайди. Иш ўрнини амалиёт раҳбари ёки иш бошқарувчининг рухсатисиз тарк этиш тақиқланади.

Кўчат экишда талабаларнинг ўзаро жойлашиш оралиғи камида 3 м бўлиши керак. Уни бажаришда пойабзал сифатида кирза этик ёки ботинка кийиб олиниши лозим. Кўчат ўтқозишда камида 2 киши бирга ишлайди.

Дарахтларга чиқишда унинг танаси, шохлари яхшилаб кузатилади. Дарахтлар устида илон ва бошқа зарар етказиши мумкин бўлган жониворларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг уларга чиқиш мумкин. Дарахт мевасини теришда махсус илгичлар, тортгичлар, ушлагичлар ҳамда ҳимоя камаридан фойдаланилади. Тиконли ўсимликлар билан ишлашда узун кирза этик, брезент шим ва костюмлар, кулоқли бош кийим ҳамда бризент ёки чарм қўлқоплардан фойдаланилади.

Ўсимликларни чопиқ қилиш ишларини бажаришда талабалар оралиғи 3 м дан кам бўлмаслиги керак. Баландлиги ишловчи бўйдан баланд бўлган ўсимликларга ишлов беришда ҳимоя кўзойнақларидан фойдаланиш лозим.

Талабаларнинг дарахтларни кесиш учун қўлланиладиган электр ва ёқилғи билан ишлайдиган асбоб-ускуналардан фойдаланишлари тақиқланади.

Фермер хўжалигида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, узумчилик тармоғида меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Пайариқ туман фермер хўжаликларида, жумладан «Умиробод» фермер хўжалигида узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар давомида атрофлича ўрганилиб, маҳсулот таннархига таъсир этувчи харажатлар гуруҳланиб, фермер хўжалик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда узумчилик маҳсулотлари харажатларини бевосита маҳсулот таннархига таъсири аниқланди ҳамда маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари асосланди.

Узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ҳозирги ҳолати ўрганилиб, маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни бердик:

1. Пайариқ туманида 2010 йил 1 октябр ҳолатига жами 667 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 октябрдаги ПФ-3512-сонли «Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш» тўғрисидаги Фармониға мувофиқ мақбуллаштириш натижасида 620 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликлариға 2011 йил 1 январ ҳолатига 2037 га ер майдони ажратилган бўлиб, ўртача ҳар бир фермер хўжаликка 10,3 гектарни ташкил этган. Бу 2010 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 0,4 гектарға кўпдир.

2. Тадқиқотимиз объекти бўлган Пайариқ тумани фермер хўжаликлари, жумладан, «Умиробод» фермер хўжалиги бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ҳам ўрганилди. Фермер хўжалигининг ер майдони динамикаси тахлилини кўрганимизда фермер хўжалик ер майдонининг асосий қисмини 45 гектарини ёки 65,2 фоизни ҳайдаладиган экин майдони ташкил этади. Хўжаликнинг экин майдони 2010 йилда 2008 йилға нисбатан 15 гектарға ошган. Бу кўпайиш Президентимизнинг «Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш» тўғрисидаги Фармониға мувофиқ тугатилган фермер хўжаликлари майдонини кўшиб олиш ҳисобига бўлган.

3.«Умиробод» фермер хўжалиги ғаллачилик ва узумчиликка ихтисослашган бўлиб, олинадиган ҳосил ушбу тармоқларда кейинги йилларда кўпайиб бормоқда. Лекин, мавжуд ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ғалла ва узум етиштириш билан бир қаторда сабзаёт турларини кўпайтириш, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинларни экиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, шунингдек чорвачилик тармоғини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. «Умиробод» фермер хўжалигида 2010 йилда ўртача меҳнат ҳақи 47,9 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич мамлакат миқёсидаги ўртача меҳнат ҳақидан анча пастдир. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эмас, балки уларни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш шу билан бирга меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун ходимларни моддий рағбатлантиришни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Фермер хўжаликларида узумчилик харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш жараёнидаги бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари туркумланиб, бир-бирини такрорлайдиган ҳужжатлар ўрнига, ахборотлар тўлалигини таъминлайдиган ҳужжатлар таклиф этилди. Таклиф этилан ҳужжатлар унификациялаш ва стандартлаш талабларига жавоб бериб, бухгалтерия ҳисобининг "1 С - Бухгалтерия" ёки БЭМ электрон дастурларни қўллашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса дастлабки ҳисобни такомиллаштириш билан бирга, ҳисоб маълумотларини тўлалиги ва тезкорлигини ошириб, қоғозларни тежаш, электрон ахборот алмашинувини яхшилашга олиб келиб, бошқарувчиларни ўз вақтида тўлиқ ахборотлар билан таъминлаш имконини беради.

6. Узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобини ҳисоб регистрларида юритишни янада такомиллаштириш мақсадида, чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг содалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом"да таклиф этилган ҳисоб регистрида юритиш таклиф этилди.

7.«Умиробод» фермер хўжалигида узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ва аналитик ҳисобини ўрганганимизда, бевосита узумчилик тармоғига тегишли бўлмаган харажатлар, жумладан электр энергия харажатлари узумчилик тармоғи харажатларига қўшиб юборилганлиги маълум бўлди. Шунинг учун бевосита узумчиликка тегишли харажатларни узумчилик харажатларига олиб бориш ҳамда узумчилик харажат моддаларига қуйидаги харажат моддалари қўшиш таклиф этилди:

- Ўз ёрдамчи ишлаб чиқариш иш ва хизматлари;
- Четдан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар;
- Солиқ тўловлари.

Ушбу харажат моддаларини қўшилиши узумчилик харажатларини ҳисобга олишни янада аналитиклаштириб, ҳар бир харажат турини назорат қилиш ва бошқаришни янада яхшилайдди.

8.Фермер хўжаликда узумга тегишли бўлган 30116 минг сўмлик харажатлар, калькуляция объекти бўлган 1420 центнер узумга тегишли бўлган. Ушбу маълумотлар асосида узумнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаганимизда, фермер хўжалигида 2010 йилда 1 ц. узумнинг таннархи 21208 сўмни ташкил этган. Фермер хўжалигида узумчилик таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Йил охирида режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқни коррективровка қилиш ва йиллик ҳисобот тузишда ушбу ёзувларни ҳисобга олиш ҳамда йил бошида мавжуд узумни ҳақиқий таннархда баҳоланишини таъминлаш лозим.

9. Узумчиликда маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича ўрганганимизда, таннархнинг ошиши асосан меҳнат ҳақи ва кўчат харажатлари ҳисобга ошганлигини кўраимиз. Харажатларни камайтириш учун

ишловчилар сонини оптималлаштириш, сарфланаётган моддий ресурсларни меъёрларда бўлишини таъминлаш, ишлаб чиқариш технологиясига қатъий риоя қилиш, уларни ўз вақтида амалга ошириш, сотиб олинаётган моддий ресурслар, жумладан, минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш лозим.

Таклифларимизни туман фермер хўжаликларида қўлланилаши, узумчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш билан бирга, ҳисоб ахборотларини ишончилигини таъминлаб, харажатларни назорат қилиш ва бошқариш асосида камайтириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30.08.1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент, 2006 йил 9 январь, ПФ-3709-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. Тошкент, 2006 йил 11 январь, ПҚ-255-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 11-январь. //Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2009, 4-сон. 2-3 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2010 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш прогноз параметрлари тўғрисида. Тошкент, 2009 йил 5 декабр, 306-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Тошкент, 2006 йил 10 март, 42-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий

натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида.-Т.: 15.10.2003.

10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999 54-сон.

11.Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида. Тошкент, 2011 йил 1 март, 56-сон.

12.Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг буйруғи. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида. 08.02.2011. 7-Б-сон.

13.Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг содалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом. 21.01.2008.

II. Президент асарлари

14.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

15.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

16.Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

17.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 13.11.2010. 220 (5135)-сон.

18.Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.//Халқ сўзи. 22.01.2011. 16 (5183)-сон.

19.Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Халқ сўзи. 31 январ 2010. 18 (5024)-сон.

20. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. //Халқ сўзи. 08.12.2010. 236 (5151)-сон.

III. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар

21.Абдуллаев Р. Бухгалтерский учёт и аудит. – Т.: Иқтисод молия, 2010.

22.Алиқулов А., Эшмурадов У. ва бошқалар. Фермер хўжаликлариди бухгалтерия ҳисоби. Самарқанд. 2010.

23.Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.У. Бошқарув ҳисоби. -Т.: 2008.

24.Каримов А., Исломов Ф., Аблоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Шарқ, 2004.

25.Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: 2008.

26.Темиров Ш. Узумчилик. Ўқув қўлланма. Т.: 2008 й.

IV. Журналлардаги мақолалар

27.Авазов Э. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011, 4-сон. 37-38 б.

28.Аралов Х. Дехқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 2-сон. 27-28 б.

29.Долиев Т. Модернизация қишлоқ хўжалиги тараққиётида муҳим омилдир. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011, 4сон. 1 б.

30.Дехқонов М. Фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 5-сон. 30 б.

31.Ибрагимова Д. Реализация продукции дехканских и фермерских хозяйств. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011, 4-сон. 34 б.

32.Мирзаев М., Холмуродов ва бошқалар. Боғ ва токзорлар ҳосилдорлиги: агротехника тадбирларини сифатли ўтказишга боғлиқ.//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 4-сон. 14-15 б.

33.Мирзаев М., Эшниёзов Ж. Мева мўл бўлсин десангиз.... //Агробизнес информ. 2009, 3-сон. 10 б.

34.Набиев Ш. Тоғ ва тоғолди минтақалар боғдорчилиги ва узумчилиги. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 1-сон. 20 б.

35.Султанов Б., Саъдуллаев У. Ерлардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 8-сон. 25 б.

36.Тошпўлатов А. Маҳсулот таннархи ва ҳисоблашни такомиллаштириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 8-сон. 20-21 б.

37.Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, 2-сон. 26 б.

38.Шафқаров Б. Узумчилик – сердаромад соҳа. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. 2006, 12-сон. 14 б.

39.Шафқаров Б. Узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорти. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009, 7-сон. 31 б.

V.Статистика ва ҳисобот маълумотлари

40.Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

41.Самарқанд вилоят Пайариқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

42. Самарқанд вилоят Пайариқ туман «Умиробод» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

VI. Интернет сайтлари

43. www.samqxi.uz

44. www.ziyonet.uz

45. www.lex.uz

46. www.gov.uz.

47. www.statistika.uz

48. www.agro.uz

49. www.dehqon.uz

50. www.finance.uz

51. www.google.co.uz

52. www.mf.uz

53. [www.accounting web.com](http://www.accountingweb.com)

54. www.buhgalteria.com.ua

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув факултети «Иқтисодиёт» бўлими, IV босқич талабаси Хўжанов Ферузнинг «Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва унинг таннархини аниқлашни такомиллаштириш (Пайарик тумани фермер хўжаликлари мисолида)» мавзусидаги битирув ишига

ТАҚРИЗ

Узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналари узум ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, сотишдан олинаётган фойда микдорини кўпайтириш улар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунда узум таннархини пасайтириш, олинаётган фойда микдорини кўпайтириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва юритишга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ушбу битирув малакавий иши долзарб мавзу ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш, мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи, қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлимларидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, халқ хўжалигидаги аҳамияти, ривожланиш истиқболлари, мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳида эса Президентимиз асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, низом ва йўриқномалар, шунингдек ушбу мавзуга тегишли илмий адабиётлар ва мақолалар кенг ёритиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари бўлимида ер-сув, меҳнат ва моддий ресурсларнинг ҳозирги ҳолати ўрганилиб, улардан янада самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Ишнинг асосий қисми узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг дастлабки ҳисоби, узумчиликда ишлаб харажатлари ва маҳсулот чиқаришни синтетик ва аналитик ҳисоби, узумчилик фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини аниқлашга бағишланган.

Хулоса ва таклифлари бўлимида узумчилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аниқлашни такомиллаштириш бўйича берилган таклифлари диққатга сазовор бўлиб, уларни туман фермер хўжаликларида қўллаш узумчилик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Умуман олганда, ушбу битирув малакавий иши унга қўйилган талаб даражасида ёзилган ва унинг муаллифи Хўжанов Ферузга 5340100-«Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)» йўналиши бўйича бакалаврлик даражаси берилишига лойиқдир.

Парарик туманидаги "Умиробод"
фермер хўжалиги раиси

Умиров Х

МАЪЛУМОТНОМА

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув факултети «Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги) бўлими, IV босқич талабаси Хўжанов Ферузнинг «Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва унинг таннархини аниқлашни такомиллаштириш (Пайарик тумани фермер хўжаликлари мисолида)» мавзусидаги битирув ишида фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш ҳамда ва молиявий натижалар таҳлили асосида олинадиган фойдани янада кўпайтириш бўйича берилган таклиф ва тавсияларини фермер хўжалигимизда қўллаш учун қабул қилдик.

Пастдарғом тумани "Илм-2"
фермер хўжалиги бош бухгалтери

Хасанов Ш.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув факултети «Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги) бўлими, IV босқич талабаси Хўжанов Ферузнинг «Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва унинг таннархини аниқлашни такомиллаштириш (Пайариқ тумани фермер хўжаликлари мисолида)» мавзусидаги битирув малакавий ишига

Рухсатнома

Ушбу битирув малакавий иш «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2010 йил «__»_____даги йиғилишида муҳокама қилиниб, №__ баённома билан Давлат Аттестация ҳайъати олдида ҳимоя қилишга тавсия этилди.

Илмий раҳбар, доцент

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси мудири, доцент

А.Алиқулов

М.Холмурзаев

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг ____-
сонли йиғилиш

БАЁНИДАН КЎЧИРМА

«____»_____2011 йил

Самарқанд шаҳри

Мажлис раиси: доцент М.Холмурзаев

Котиб: ассистент У.Ибрагимов

Қатнашдилар: кафедра мудири,
и.ф.н. М.Холмурзаев, доцентлар
Т.Қудратов, Д.Холбоев, А.Алиқулов,
И.Қурбонов, катта ўқитувчилар
Я.Хожиёв, Н.Файзиёва, Ш.Ахмедов,
У.Умиров, ассистентлар Ғ.Санаев,
У.Ибрагимов, У.Эшмурадов,
З.Абдуллаев.

КУН ТАРТИБИ:

1. Иқтисодиёт ва бошқарув факултети 5340100-«Иқтисодиёт»
(қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши IV босқич талабаси Хўжанов
Ферузнинг «Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби
ва унинг таннархини аниқлашни такомиллаштириш (Пайариқ
тумани фермер хўжаликлари мисолида)» мавзусида бажарган
битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

ЭШИТИЛДИ: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси
мудири, доцент М.Холмурзаев Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган
«Олий ўқув юртларида бакалаврларнинг битирув малакавий иши
тўғрисида»ги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув
малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК
ҳимоясига тавсия этилиши кераклиги ҳақида гапирди. Шундан
кейин IV-босқич талабаси Хўжанов Ферузга битирув малакавий
ишини мазмуни билан таништириш учун сўз берилди.

Хўжанов Феруз битирув малакавий ишининг мавзусини
долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот объекти, тадқиқотни ўтказиш
услуглари ва натижалари билан таништириб, қилинган асосий
хулоса ва таклифларни ўқиб берди.

Шундан кейин, Хўжанов Ферузга бажарилган иш юзасидан 3-4 та савол берилди, талаба барча берилган саволларга яхши жавоб берди.

Муҳокамада доцент Д.Холбаев, И.Қурбонов талаба томонидан бажарилган битирув малакавий иши бўйича ўз фикрларини билдиришди.

МУҲОКАМАДАН СЎНГ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. 5340100-«Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши IV-босқич талабаси Хўжанов Ферузнинг «Узумчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва унинг таннархини аниқлашни такомиллаштириш» мавзусида бажарган битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги, ишнинг яқунланганлигини, хулоса ва таклифлар ишнинг мазмунидан келиб чиқиб берилганлигини ва барча кўрсаткичлар бўйича ДАК талабларига жавоб беришини инобатга олиб, уни ДАКда ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Мажлис раиси: и.ф.н.

М.Холмурзаев

Котиб: ассистент

У.Ибрагимов